

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САЙФУТДИНОВ ЗАЙНИДДИН АСАМУТДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЗОНИАЗИД ДОРИСИГА  
МОНОРЕЗИСТЕНТ БЎЛГАН MYSOVASTERIUM  
TUBERCULOSISНИНГ ГЕНЕТИК МУТАЦИЯЛАРИ ТАВСИФИ ВА  
ТАРҚАЛИШИ**

**14.00.26 – Фтизиатрия**

**03.00.04-Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)**

**Сайфутдинов Зайниддин Асамутдинович**

Ўзбекистон Республикасида изониазид дорисига

монорезистент бўлган *Mycobacterium tuberculosis*нинг

генетик мутациялари тавсифи ва тарқалиши..... 3

**Сайфутдинов Зайниддин Асамутдинович**

Распространенность и характеристика генетических

мутаций *Mycobacterium tuberculosis* с монорезистентностью

к изониазиду в Республику Узбекистан..... 21

**Sayfutdinov Zayniddin Asamutdinovich**

Theme: «The prevalence and characterization of genetic

mutations of *Mycobacterium tuberculosis* with isoniazid

monoresistance in the Republic of Uzbekistan»..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,  
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,  
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФТИЗИАТРИЯ ВА  
ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**САЙФУТДИНОВ ЗАЙНИДДИН АСАМУТДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЗОНИАЗИД ДОРИСИГА  
МОНОРЕЗИСТЕНТ БЎЛГАН МҮСОВАСТЕРИУМ  
TUBERCULOSISНИНГ ГЕНЕТИК МУТАЦИЯЛАРИ ТАВСИФИ ВА  
ТАРҚАЛИШИ**

**14.00.26 – Фтизиатрия  
03.00.04-Микробиология ва вирусология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ -2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib1102 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

- |                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбарлар:</b>    | <b>Парниева Наргиза Нусратовна</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор  |
|                            | <b>Шадманова Наргиза Абидовна</b><br>тиббиёт фанлари доктори, доцент      |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Аденов Малик Молдабекович</b><br>тиббиёт фанлари номзоди, доцент       |
|                            | <b>Нурузова Зухра Абдукадировна</b><br>тиббиёт фанлари доктори, профессор |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Бухоро давлат тиббиёт институти</b>                                    |

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «  » \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмасор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмасор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2022 йил «2» март \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «2» март \_\_\_\_\_ даги 14 рақамли реестр баённомаси).



**Л. Н. Туйчиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н. У. Таджиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б. М. Таджиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фан номзоди (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Туберкулез асрлар давомида инсоният соғлиғига жиддий хавф солиб келаётган глобал ва чегара билмас юқумли касаллик бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «2019 йилда 10,4 миллион киши туберкулезга чалинган ва 1,7 миллион инсон ушбу касалликдан вафот этган...».<sup>1</sup> Бу туберкулезни дунёдаги юқумли касалликлар орасида ўлимга олиб келувчи етакчи касалликлардан бири бўлиб қолаётганини кўрсатмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ҳисобланган БМТ 2030 йилга қадар бутун дунёда туберкулез эпидемиясини тўхтатиш мажбуриятини илгари сурди. ЖССТ охириги маълумотлари бўйича, дунё аҳолисининг 500 миллиони мультирезистент туберкулезга (MDR TB) чалинганлиги қайд этилмоқда. Касалликнинг эрта даврларида, асоратлар пайдо бўлмасидан дори воситаларига резистентликни эрта аниқлаш, касаллик кўзғатувчиларини анъанавий функционал усуллари билан бир қаторда генетик хусусиятларини аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш фтизиатрия амалиётининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда туберкулезнинг клиник-диагностик асослари ва уни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда беморларда касаллик кечишининг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш, унинг турли шаклларида касалликни эрта ташхислаш маркерларини аниқлаш; беморларда молекуляр генетика усулларини қўллаш орқали касалликни эрта аниқлаш ва прогнозлаш жараёнларини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда туберкулезда дори воситаларига резистентликни баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатларини очиб бериш, касаллик ривожланиши ва кечишини прогнозлаш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юқумли касалликларни эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган.

<sup>1</sup> Fact Sheet - WHO. WHO, Tuberculosis. Global Tuberculosis Report 2019 End TB Strategy. 2020

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда туберкулезда дори воситаларига резистентликни ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдан ПҚ-4191-сон «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг қатор мамлакатларида амалга оширилган кўп сонли тадқиқотлар туберкулезни даволашда *Mycobacterium tuberculosis* учун бактерицид таъсир этувчи икки препарат – рифампицин ва изониазидни юқори терапевтик самара берувчи асосий дори воситаси эканлигини кўрсатмоқда. «Рифампицин дори воситасига резистентлик яхши ўрганилган бўлиб, у 2018 йилда туберкулез касаллиги янги қайд этилган беморларнинг 3,4 фоизда (ИИ 95% 2,5-4,4%), илгари даволанган беморларнинг 18 фоизда (ИИ 95% 7,6-31%) кузатилган. Россияда эса сўнгги беш йилда бу кўрсаткич касаллик янги қайд этилган беморларнинг 24,5 фоизда кузатилган. Изониазид дори воситасига резистентликнинг учраши эса глобал ва минтақавий даражада кам ўрганилган (Anna S Dian 2020; Жданова С.Н. 2018). ЖССТ экспертлари рифампицинга резистент туберкулезни (MDR TB) даволашда юқори токсик ва молиявий жиҳатдан кўп харажатли узок муддатли даволаш схемаларини таклиф этаётган бир вақтда изониазидга нисбатан резистентлик MDR TB пайдо бўлишининг асосий омили эканини таъкидламоқда ([http://who.int/tb/publications/global\\_report/en/\\_2016](http://who.int/tb/publications/global_report/en/_2016); Phan Young K.T., 2018).

Рифампицинга резистентлик *Mycobacterium tuberculosis*нинг *groV* генининг кичик ҳудудида кодланади. Изониазидга резистентлик механизми эса мураккаброқ ҳисобланиб, у *katG*, *inhA*, *ahpC* ва *ndh* каби бир нечта геном локусларга резистентликни таъминловчи мутациялар билан аниқланади. *Mycobacterium tuberculosis* нинг *katG* генининг 315 кодонида (*katG* 315) ва *InhA* генининг промотор соҳасида мутациялар энг кўп тарқалган бўлади.

Аксарият ҳолда, KatG 315 мутацияси изониазидга резистент бўлган штаммларнинг 50-95 фоизини ташкил этиб, 20-42 фоизида мутация InhA гени промотор соҳасига тўғри келиб географик жиҳатидан минтақавий ўзига ҳослик кузатилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, InhA гени микол кислотаси синтезида иштирок этувчи эноил-ацил радикали бўлмиш оксил ташувчи редуктазасини кодлайди, шунингдек katG 315 соҳасидаги мутациялар MDR ТВ ривожланишига бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур мутация трансчегаравий тарқалиш хавфи юқори бўлган штаммларга хос. Аҳамиятли тарафи, бундай мутацияларнинг Шарқий ва Марказий Осиёда кенг тарқалганлиги кўрсатилган (Z.S.Hoffmann, G.Kalmambetova 2019). Изониазидга нисбатан резистент бўлган штаммлар орасидаги мутациялар фарқи даволашнинг ижобий натижаларига бевосита таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда туберкулез касаллигини турли аъзо ва тизимларда тарқалиши натижасида юзага келувчи патологик ўзгаришларни баҳолаш ва даволашга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилган (Убайдуллаев А.М. 2016; Парпиева Н.Н. 2019) бўлса-да, изониазидга монорезистент *Mycobacterium tuberculosis*нинг генетик мутациялари тавсифи ва тарқалишини олдини олишни такомиллаштириш, шу жумладан, микобактерияларнинг моно - ва полирезистент штаммларининг диагностикаси, уларни даволаш самарадорлигини мониторинг қилиш бўйича ишлар олиб борилмаган. Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикасида тарқалган *Mycobacterium tuberculosis*нинг изониазидга нисбатан монорезистентлик муаммосини ўрганиш, уларнинг алоҳида ген турларининг тарқалганлигини аниқлаш, туберкулез инфекциясини ташхислашда ва прогнозлашда микробиологик ҳамда генетик таҳлил усуллариини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг у бажарилган илмий-тадқиқот муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пулмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ПЗ 20170928236-сон «Касалликнинг генетик ва фенотипик детерминантларини аниқлаш асосида туберкулез инфекциясининг олдини олиш, унга ташхис қўйиш ва диагностикага персоналлаштирилган ёндашувлар ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** изониазид дорисига монорезистент бўлган *Mycobacterium tuberculosis*нинг генетик мутациялари тавсифи ва тарқалиши олдини олиш стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази маълумотларининг ретроспектив тадқиқотлари натижалари асосида туберкулез касаллигининг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш, дастурий даволашни таҳлил қилиш ҳамда республикада изониазидга

монорезистент худудий *Mycobacterium tuberculosis* штамларининг тарқалишига баҳо бериш;

*Mycobacterium tuberculosis* штамларини in vitro шароитда биомайрин, рифампицин, изониазид ва этамбутол дори воситаларига сезувчанлигининг таққослама ўрганиш;

Изониазидга монорезистент *Mycobacterium tuberculosis* генетик мутацияларининг генетик характери ва уларнинг учраш частотасини ўрганиш;

Изониазидга монорезистент *Mycobacterium tuberculosis*нинг генетик мутациясининг характерига кўра, протеонамидга кросс-резистентлик даражасини баҳолаш;

Туберкулез инфекциясини жиловлаш стратегияси ҳамда изониазидга монорезистент туберкулез беморларнинг дастурий даволашга бўлган ёндашувларни такомиллаштириш.

**Тадқиқот объекти** туберкулезнинг турли шакллари билан оғриган 5 188 нафар беморнинг биологик ва патологик материаллари, шунингдек РИФваПИАТМ Миллий референс-лабораторияси, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси худудлараро бактериологик лабораторияларининг 2015-2019 йиллардаги микробиологик маълумотлар базасини ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг предмети.** Туберкулезнинг турли шакллари билан оғриган беморлардан ажратиб олинган *Mycobacterium tuberculosis* нинг 6 302 та изоляти.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда микроскопик, бактериологик, молекуляр-генетик ва статистик усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор туберкулезнинг изониазидга монорезистент штамлари тарқалишининг худудий таҳлили тақдим этилган;

*Mycobacterium tuberculosis*нинг изониазидга монорезистент мутацияларининг генетик тафсифи тақдим этилиб MDR ТВ да мутацияларнинг аҳамияти асосланган;

*Mycobacterium tuberculosis*нинг кросс-резистентлик табиати MDR ТВ ривожланиши ва даволашнинг самарасиз оқибатларини келтириб чиқариш хавфларини эрта прогнозлаш жиҳати исботланган;

изониазидга монорезистент туберкулезга чалинган беморларни дастурий даволашга янги дифференциацияланган ёндошуви оптималлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*Mycobacterium tuberculosis* штаммининг генетик мутациялари асосида туберкулезни даволаш стандартларига ўзгартиришлар киритилган;

изониазидга монорезистент туберкулез билан оғриган беморларни дастурий даволаш ҳамда диагностикасига янги дифференциацияланган ёндашувлари ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишда замонавий услуб ва воситаларнинг қўлланилганлиги, клиник, молекуляр-генетик, статистик текширув усулларида фойдаланилганлиги ва олинган барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаган



ҳолда қайта ишланганлиги, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти изониазидга монорезистент бўлган *Mycobacterium tuberculosis* штамmlарининг тарқалганлиги ва унинг генетик мутацияларининг туберкулезнинг MDR TB тури ривожлашиш патогенезидаги роли аниқланганлиги ва даволаш самарадорлигини ҳамда даволанишнинг салбий оқибатлари хавфини эрта прогнозлаш такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти MDR TB ривожланишида протеонамидга кросс-резистентликнинг прогноз индикаторлари аниқланган ва изониазидга монорезистент туберкулез билан оғриган беморларни эрта ташхислаш ва даволашга дифференциал ёндашув алгоритмлари ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида изониазидга монорезистент *Mycobacterium tuberculosis* генетик мутацияси тавсифи ва тарқалганлиги бўйича олинган натижалар асосида:

*Mycobacterium tuberculosis* популяциясининг тузилиши бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Марказий Осиёда дориларга чидамли *Mycobacterium tuberculosis* популяциясининг тузилиши» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/195-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома туберкулезни ташхислаганда дориларга чидамли *Mycobacterium tuberculosis* турини эрта аниқлаш имконини берган;

Биомайрин препаратига *Mycobacterium tuberculosis* сезувчанлигини бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «in vitro шароитида Биомайрин препаратига *Mycobacterium tuberculosis* сезувчанлигини қиёсий ўрганиш методикаси» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 мартдаги 8н-р/194-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қаттиқ ва суюқ озуқа муҳитида дорига сезувчанлик тестлари (ДСТ) ёрдамида “Биомайрин” препаратининг *Mycobacterium tuberculosis*га ингибирловчи таъсирини кучайтириш имконини берган;

изониазид дорисига монорезистент бўлган *Mycobacterium tuberculosis*нинг генетик мутациялари тавсифи ва тарқалиши олинган натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилояти марказлари клиник амалиётига татбиқ этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20510-сон маълумотномаси). Натижада *Mycobacterium tuberculosis*нинг изониазидга сезувчанлигини эрта босқичларда аниқлаш ва туберкулезни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туберкулезга қарши дори воситаларига резистент бўлган ва генетик мутацияга учраган *Mycobacterium tuberculosis*нинг тарқалганлиги ва хусусиятларининг замонавий аспекти**» деб номланган биринчи бобида муаммонинг тиббий-ижтимоий аҳамияти акс эттирилган тадқиқот масалалари ҳақидаги адабиётлар шарҳи берилган, туберкулез касаллигини текшириш усулларига ёндашувлар ва туберкулезга қарши дори воситаларга резистентлик механизмлари ҳақидаги адабиёт манбалари таҳлил қилинди, шунингдек биринчи ва иккинчи қатор махсус дори воситаларга резистентлик механизмлари, мазкур штаммларнинг тарқалганлиги ҳамда тадқиқотда қўлланилган фенотипик ва генотипик усулларнинг аҳамияти ёритилди.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг дизайни ва ҳажми, *Mycobacterium tuberculosis*ни махсус дори воситаларига резистентлигини аниқлаш бўйича материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдида қўйилган вазифаларни ҳал қилишни таъминловчи тадқиқот объектининг тавсифи, методлари ва методологик ёндашувлар тақдим этилган. Туберкулез билан касалланган беморлардан кўзғатувчининг соф культурасини ажратиш ва уларнинг бирламчи идентификацияси РИФваПИАТМ қошидаги Миллий референс-лабораторияси ходимлари томонидан бажарилди, ажратилган патогенларни кейинги босқичларда замонавий усуллар орқали текшириш, уларнинг биологияси ва антибиотик резистентлигини ўрганиш халқаро кўрсатма ва стандартлардан фойдаланиб, 2010-2021 йиллар

мобайнида амалга оширилди. Туберкулезга чалинган беморларни ретроспектив текшириш учун архив материаллари ва Фарғона, Бухоро, Сурхандарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақолпоғистон Республикасининг бактериологик лабораторияларида қўзғатувчининг соф культурасидан сараланиб фойдаланилди (2015-2019 йй).

Ажратилган культуралар морфологик, культурал ва биокимёвий белгилар бўйича идентификацияланди. *Mycobacterium tuberculosis*ни махсус дори воситаларига резистентлигини аниқлаш учун фено - ва генотипик усулларидан, мавжуд ҳамда замонавий модификацияларидан фойдаланилди (Genotype MBTDR Hain). Тиббий хужжатларнинг кабинет таҳлили (ТБ-01, ТБ-07, ТБ-08 ва бошқ.) туберкулез билан оғриган жами 5 188 нафар беморнинг клиник маълумотларига асосланиб олиб борилди.

Шунингдек, протеонамид (этионамид)га қўшма резистентликни (кросс-резистентлик) аниқлаш учун замонавий озуқа муҳити ҳисобланган ВАСТЕС MGIT 960 усулида *Mycobacterium tuberculosis*нинг 631 изоляти ўрганилди. 5 188 нафар бемордан ажратилган 6 302 та клиник изолятларда эса KatG, inhA генларидаги генетик мутациялари идентификацияси ўтказилди.


Диссертациянинг «**Вилоятлар кесимида *Mycobacterium tuberculosis* аниқланишининг кўп йиллик динамикаси**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикасида туберкулез касаллиги этиологик тузилишининг ретроспектив таҳлили ҳамда текшириш жараёнидаги (2015 - 2019 йй.) динамик ўзгаришлари келтирилган. Архив материалларининг таҳлили РИФваПИАТМ қошидаги Миллий референс-лабораторияда микробиологик тадқиқот натижалари бўйича олиб борилди. Тадқиқот материали сифатида беморлардан олинган биологик ва патологик намуналардан (сийдик, балғам ва бошқ.) фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги РИФваПИАТМ қошидаги Миллий референс-лабораториясининг микробиологик текширув натижаларига кўра, беш йил мобайнида туберкулез касаллигининг турли шакллари билан касалланган беморлардан олинган архив материаллари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Диссертация материалларига РИФваПИАТМ ва Бухоро, Тошкент, Фарғона вилояти ҳамда Тошкент шаҳри филиалларида даволанган жами 5 188 нафар туберкулезга чалинган бемор киритилди.

Демак, барча текширилган туберкулез билан касалланган беморлар орасида эркаклар 2 786 (53,7%) аёлларга нисбатан кўпчиликни (2 402, 46,3%) ташкил қилди. Текширилган туберкулез беморларининг ёш бўйича тақсимланиши 1-расмда берилган.

Мазкур касалликнинг клиник шакллари бўйича тақсимланишидаги ретроспектив таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, туберкулез ташхиси қўйилган беморларда асосан 11 та нозологик шакл аниқланган бўлиб, уларнинг умумий текширилганлар орасидаги улуши 1,6% дан 32,9% гачани ташкил этди. Хусусан, мазкур касаллик кузатилган беморларнинг аксариятида инфильтратив туберкулез (1 707 та бемор) борлиги маълум бўлди. Шунингдек, ушбу таҳлил

натижаларига кўра, текширилганларнинг 33,7% (n=1 746)да касаллик биринчи бор аниқланган, 66,3% (n=3 442)да эса мазкур касаллик билан қайта зарарланиши кузатилди.



**1-расм. 2015-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида туберкулез касаллиги аниқланган беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши.**

Изданишларнинг кейинги босқичи, 2010-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида туберкулез билан касалланишни баҳолаш ва ўрганиш бўлиб, унинг натижаларига кўра, касалланишнинг интенсив кўрсаткичи йил сайин секин аста пасайиб боришини кўрсатди (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида туберкулезни аниқлашнинг кўп йиллик динамикаси.**

Хусусан, 2010 йилда касалланиш кўрсаткичи ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 61,3 га тенг бўлган бўлса, 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 32,1 ни ташкил қилган (2-расмга қаранг). Аммо, касалланиш кўрсаткичи камайиб бораётган бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси (57,6) Тошкент вилояти (35,4), Самарқанд (39,9), Сирдарё (35,2) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (35,2)

бу борада республика кўрсаткичидан юқорилиги билан бошқа худудлардан ажралиб турибди.

Шу билан бир қаторда диссертациянинг мантиқий давоми сифатида ушбу босқичда молекуляр-генетик усулнинг диагностик аниқлигини баҳолаш мақсадида 2017 йил январидан бошлаб Қорақолпоғистон Республикасида туберкулезга қарши курашиш бўйича DOTS дастури асосида даволанган беморлардан янги ва такрор олинган 3 853 намуна таҳлил қилинди.

*Mycobacterium tuberculosis*нинг рифампицинга резистентлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган изланишларда молекуляр-генетик усул юқори сезувчанлик ва спецификликни (97,9%) намоён этди.

Бироқ Хайн тест усули билан туберкулезга қарши препаратларга изониазидга - 86,4% [(95% ишончли интервал (ИИ) 82,0-90,1%)], фторхинолон - 86,2% [(95% ИИ 68,3-96,1%)], капреомицин 70,0% [(95% ИИ 45,7-88,1%)] ва канамицин 22,7% [(95% ИИ 13,3-34,7%)] резистентликни аниқлашда сезувчанликнинг пасайиши кузатилди.

Умуман олганда, кузатув динамикасида касалланиш параметрларининг пасайиши аниқланганлиги ҳақидаги факт ўзига диққатни тортади. Агар республика бўйича 2017-2018 йилларда туберкулездан касалланишга мойилликнинг пасайишида самарали даволаш-профилактик тадбирларидан етарлича фойдаланишни кўрсатса, унда вилоятлар бўйича туберкулездан касалланишнинг қиёсий таҳлили профилактик тадбирлар ўтказишда ва микобактерия штаммларининг минтақавий хусусиятларини ўрганишда муҳим эътибор талаб қилади.


Диссертациянинг тўртинчи «**Ўзбекистон Республикасида туберкулез билан касалланган беморларни даволаш натижалари ва касаллик кечишининг ўзига хосликлари**» деб номланган бобда туберкулез касаллиги аниқланган беморларда даволаш режимлари ва уларнинг натижалари ҳамда диагностикаси бўйича таҳлил натижалари келтирилади.

Ўзбекистонда яшовчи туберкулез аниқланган беморлардан ажратилган *Mycobacterium tuberculosis*нинг кўплаб дори воситаларига резистент (MDR TB) минтақавий штаммлари миқдорини ўрганиш бўйича тадқиқотнинг навбатдаги босқичи қиёсий таҳлил натижалари 3-расмда берилган.

3-расмдан кўринадики, йиллар давомида кузатув динамикасида республика бўйича MDR TB беморлари сонининг пасайишга мойиллиги кузатилмади. Агар 2015 йили республика бўйича 2 149 та ҳолат аниқланган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2 239 та етган, яъни 1,04 марта ортган. Бундай мойиллик кузатув динамикасида MDR TB беморлари сонининг бир оз пасайгани аниқланган, Қорақолпоғистон Республикасидан мустасно тарзда Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари сингари республиканинг барча вилоятларида кузатилди.

Бунда тадқиқот натижалари кўрсатишича, мазкур давр кузатув динамикасида MDR TBнинг етарлича юқори кўрсаткичи Андижон вилоятида –2,3 (2015 йили 81 ҳолатдан 2018 йилда 187 ҳолатгача), Самарқанд вилоятида –1,3 марта (2015 йилда 129 ҳолатдан 2018 йилда 166 ҳолатгача) ва Фарғона

вилоятида – 1,2 марта (2015 йилда 178 ҳолатдан 2018 йилда 216 ҳолатгача) кузатилган.



**3-расм. Ўзбекистон Республикаси кузатув динамикасида туберкулез аниқланган беморлар орасида MDR TB аниқланиш нисбати.**

Диссертациянинг мазкур бобида туберкулез аниқланган беморларни даволаш учун қўлланадиган Биомайрин ва бошқа препаратларга *Mycobacterium tuberculosis* нинг сезувчанлигини ўрганиш бўйича экспериментал текширув натижалари ёритилган. Жумладан, *in vitro* тадқиқотида экспериментал йўл билан 40,0 мкг концентрацияда *Mycobacterium tuberculosis* нинг референс ва госпитал штамларига нисбатан Биомайрин дори воситасининг самараси кўрсатилган. Мазкур препаратнинг таъсир даражаси бу босқичда фтизиатрияда кенг қўлланадиган - рифампицин, изониазид, этамбутол каби асосий туберкулезга қарши қўлланадиган препаратлардан қолишмайди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Биомайрин дори воситасининг *Mycobacterium tuberculosis* нинг референс ва госпитал штамларига нисбатан самараси**

Препарат номи	Препаратлар синов концентрацияси	Клиник штамм №11 748		Референт штамм №11 891	
		К <sub>1</sub> - 10 <sup>3</sup>	К <sub>2</sub> - 10 <sup>4</sup>	К <sub>1</sub> - 10 <sup>3</sup>	К <sub>2</sub> - 10 <sup>4</sup>
Биомайрин	40,0 мкг	10 КОЕ	ўсмаган	3 КОЕ	ўсмаган
	20,0 мкг	8 КОЕ	1 КОЕ	2+	2+
	10,0 мкг	20 КОЕ	2+	3+	3+
	5,0 мкг	20 КОЕ	2+	3+	3+
Рифампицин	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+
Этамбутол	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+
Изониацид	40,0 мкг	3+	3+	3+	3+

Шундай қилиб, йиллар кесимида республика кузатув динамикасида ушбу параметрда озгина пасайиш кузатилган вилоятлардан истисно тариқасида MDR TB аниқланган беморлар сонининг ошгани кузатилди. Туберкулездан касалланишнинг пасайиши мазкур соҳадаги мутахассисларнинг ютуғи ҳисобланади, MDR TB аниқланган беморлар миқдорининг ошиши эса ушбу патология бўйича етарлича даволаш-профилактик тадбирлар олиб бориш кераклиги ва мазкур муаммонинг жиддийлигини кўрсатади, деб ҳисоблаймиз.

Диссертациянинг «**Mycobacterium tuberculosis минтақавий штаммларининг туберкулезга қарши дори воситаларига резистентлиги таҳлили**» деб номланган бешинчи бобда асосий эътибор Марказий Осиёда *Mycobacterium tuberculosis*нинг дориларга резистент популяцияси тузилишини ўрганишга ва реал вақтдаги ПЗРдан фойдаланилган биологик материалда *Mycobacterium tuberculosis*ни аниқлаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган.

Мазкур тадқиқот бажарилиши учун *Mycobacterium tuberculosis* нинг 707 та клиник изоляти ўрганилган, уларнинг 306 таси Ўзбекистондан, 216 таси Тожикистондан ва 185 таси Қирғизистондан бўлиб, дориларнинг резистентлиги бўйича миллий тадқиқотлар доирасида тўпланган (DRS). Кластерга икки изолятдан олинган генотип намуналари киритилиб, аралаш мутацияга эга беморлар тадқиқотдан чиқариб юборилди. Мазкур материал таҳлили кўрсатишича, ўрганилган 35 изолят (5,8%) дори воситаларига тўлиқ сезувчан, 293 (48,3%) изолят MDR, XDR олди ёки XDRга хос бўлган, қолган 279 изолят (46,0%) бошқа турдаги резистентликка эга бўлган.


Аниқланишича, MDR ва XDR TB ўзбекистонлик изолятларга нисбатан (20%) кўпроқ, қирғизистонликлар (33%) ва тожикистонликлар орасида (35%) изолят кузатилган. Шундай қилиб, кластер таҳлили юқорида кўрсатилган Марказий Осиё мамлакатлари беморларидан олиб ўрганилган 607 изолятдан 382 (62,9%) таси ҳеч бўлмаганда битта бошқа изоляти билан генотиплаш моделида бўлган. Улар 2 дан 145 та изолятга бўлиниб, 38 та кластерда гуруҳланган. Иккита энг катта гуруҳ қилинган кластер гаплотипга эга бўлган 94-32 (n=145; 23,9%) ва 100-32 (n=70; 11,5%) (4-расмга қаранг).

*Mycobacterium tuberculosis* нинг Beijing (Пекин) штаммлари кўпинча бошқа геотип штаммларига нисбатан (28/196; 14,3%; XDR ТВсиз) MDR, XDR олди ёки XDR TB билан учраб туради (265/411; 64,5%),

Яна бобнинг мазкур бўлимида 7 йил (2014-2020 йй.) давомида аниқланган микобактерияларнинг антибиотик резистентлигини текшириш бўйича ретроспектив таҳлил маълумотлари берилган. Агар, 2014 йилдан бошлаб резистент штаммлар миқдори 2016 йилда 7,1% дан 5,4% га камайган бўлса, 2017 йили мазкур штаммлар чақирган туберкулез касаллигининг ортгани кузатилади.

Таҳлилдан олинган натижалар кузатув динамикасида энг юқори кўрсаткич 2019 йилда 8,7% ни ташкил қилганини кўрсатади.

Шу билан бирга, кузатув динамикасида юқорида кўрсатилган препаратга ажратилган штамм резистентлиги бўйича қиёсий таҳлил натижалари минтақалар ўртасида сезиларли фаркни кўрсатади.



**4-расм. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондаги 607 та *Mycobacterium tuberculosis* изолятининг 24 та локуси бўйича MIRU-VNTR маълумотларини аниқлаш асосида минимал қамраб олувчи дарахт (ҳар қайси айлананинг ҳажми маълум комплексга тааллуқли MIRU-VNTR тури миқдорига тенг. Турли филогенетик чизиқлар бўйича изолятлар таснифи ва чидамли паттернлар рангли кодланиши билан ўзгариб туради).**

Расмдан кўринадики, бугунги кунда Қорақолпоғистон Республикаси туберкулезга қарши 1 ва 2-қатор препаратларга *Mycobacterium tuberculosis* резистентлигини аниқлаш бўйича етакчи ўринларда турибди (19,7%) (5-расм).



**5-расм. 2020 йилда вилоятлар кесимидаги янги ҳолатлари орасида дориларга резистент штаммларнинг тарқалиши.**

Бунда, ушбу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 5,5% дан (2014) 5,6% га (2020) ортган, Фарғона вилоятида эса 10,7% дан (2014) дан 7,4% (2020) гача пасайганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.



Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятида резистент штаммларнинг 2014 йили 14,4% ва 5,7%, 2020 йили эса 19,7% ва 11,8% га сезиларли тарзда ортгани кузатилади.

Яна ваҳимали ҳисобланган факт туберкулез касаллигининг нисбий паст аниқланганлигига қарамай, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кузатиш динамикасида туберкулез касаллаги кузатилган беморлар орасида резистент штаммларнинг учраш частотаси 3,9% ва 4,9% (2014) дан 7,8% ва 7% гача (2020) 2 марта ортган.

РИФваПИАТМ қошидаги Миллий референс лабораториянинг маълумотларига кўра, GenoType MTBDRplus тести билан синовдан ўтган намуналар миқдори 10 815 ни ташкил қилди. Улардан изониазидга резистент 6 302 намунада аниқланди, улар ўртача -58 % ни ташкил қилди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**2010 йилдан 2021 йилгача бўлган муддатда Хайн тест (GenoType MTBDRplus) томонидан синовдан ўтган намуналар миқдори**

Йил	Изониазид				
	R	%	S	%	жами
2010	507	47%	567	53%	1 074
2011	366	73%	138	27%	504
2012	1 534	61%	993	39%	2 527
2013	1 091	57%	814	43%	1 905
2014	963	54%	804	46%	1 767
2015	418	59%	296	41%	714
2016	658	66%	343	34%	1 001
2018	170	66%	89	34%	259
2019	342	54%	293	46%	635
2020	139	57%	105	43%	244
2021	114	62%	71	38%	185
<b>Умумий қиймат</b>	<b>6 302</b>	<b>58 %</b>	<b>4 513</b>	<b>42 %</b>	<b>10 815</b>

Маълумотлар таҳлили кўрсатишича, *inhA* генида мутацияга сабаб бўлувчи резистент намуналарда изониазид улуши ўртача 17% (1 058) ни ташкил қилади, *katG* даги ўзгаришлар сингари 83% (5 244) изолятларда ген аниқланмади. Изониазид резистентлигини аниқлашда *katG* ўрни анча кенг тарқалган бўлишига қарамай, *inhA* генидаги мутацияни аниқлаш чидамлиликнинг тарқалганлиги эпидемиологияси учун ҳам унинг клиник ҳолати учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Мазкур ишнинг давоми сифатида 2010-2021 йилларда изониазидга микобактерия культурасида сезувчанликни 10 815 миқдорда ўтказилган кейинги тадқиқотлар мазкур препаратга монорезистентликни 58% ни ташкил қилганини кўрсатади.

Шу билан бирга, баъзи йиллардаги тадқиқотлар 73% (2011), 61% (2012), 66% (2016,2018) га ортганини кўрсатади. Бундан ташқари, кўтарилиш 62% (2021) етганда пасайиш тенденцияси кузатилди. Кейинчалик клиник изолятларнинг изониазидга резистентлигини ўрганиш микобактерияларнинг минтақавий штаммлари орасида *inhA* ва *katG* генларининг мавжудлигини аниқлади.

Тадқиқот вазифаларидан бири изониазидга монорезистент бўлган *Mycobacterium tuberculosis* штамларининг протеонамид дори воситасига кўшма резистентлиги ривожланишига доир олиб борилган босқичи протионамидга MGIT суюқ муҳитда дорига таъсирчанлик тести жами 611 изолят ёрдамида ўтказилган бўлиб қуйидаги натижаларни кўрсатди. Жумладан, бу шатммлардан 188 таси (31%) резистент сифатида, қолган 423 таси (69%) сезувчан деб баҳоланди(3-жадвал).

Шу билан бирга, ўрганиш даврида изониазидга резистент бўлган 6 302 та микобактерия изоляти аниқланиб, улар орасида 83% (5 244) изолят *katG* ва 17% (1 058) *inhA* генига, изониазид ва этионамид/протионамид резистентлигига жавоб берувчи генга эгалигини кўрсатди.

Генетик тест (17%) билан таққослаганда фенотипик ДСТ (31%) ўтказишда резистент намуналарни аниқлаш фоизи юқори бўлишига қарамадан, резистентлик молекуляр усуллар билан аниқланиши уни аниқлаш вақтини сезиларли даражада қисқартиради, шунингдек тестни кўп сонли беморлар учун ўтказиш, бу билан бутун мамлакат доирасида тест билан кўпроқ кишини қамраш имкониятини беради.

### 3-жадвал

#### MGIT суюқ муҳитда дорига таъсирчанлик тести

Йиллар	Протионамидга ДСТ				Жами
	R	%	S	%	
2010	30	13%	193	87%	223
2011	3	30%	7	70%	10
2018	23	30%	53	70%	76
2019	91	47%	104	53%	195
2020	16	33%	32	67%	48
2021	25	42%	34	58%	59
<b>Умумий миқдор</b>	<b>188</b>	<b>31%</b>	<b>423</b>	<b>69%</b>	<b>611</b>

Мазкур фактни ҳисобга олиб, популяцияда айланувчи «ёввойи» *Mycobacterium tuberculosis* штамми ягона мутантлардан истисно тарзда туберкулезга қарши препаратларга тўлиқ сезувчанлигидан фарқ қилади, резистент турда минтақавий микобактерияларнинг генотиби ва фенотиби босқичма босқич ўтишда ўзгаради.

## ХУЛОСАЛАР

**«Ўзбекистон Республикасида изониазидга монорезистентликда *Mycobacterium tuberculosis* нинг генетик мутацияси тавсифи ва тарқалганлиги»** мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида қуйидагича хулоса қилинди:

1. Туберкулез касаллигининг 2010-2020 йиллар давомидаги ретроспектив таҳлили мамлакатда мазкур касаллик кўрсаткичининг пасайиб бораётганини (ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 2010 йилда 61,8, 2020 йилда 32,1) кўрсатса-да, бу даврда биринчи бор аниқланган туберкулез касаллигининг резистент шаклининг улуши ортиб бораётганини кўрсатди. Қорақолпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари резистентлик кўрсаткичи етакчи ўринларда эканлигини аниқланган.

2. 2010-2021 йилларда изониазидга сезувчанлик 10 815 *Mycobacterium tuberculosis* культурасида ўтказилган бўлиб, текшириш натижалари ушбу препаратга монорезистентлик 58% ни ташкил қилганини кўрсатади. Шу билан бирга, баъзи йиллардаги тадқиқотлар бу кўрсаткични 73% (2011), 61% (2012), 66% (2016,2018) ни ташкил этгани аниқланган.

3. *Mycobacterium tuberculosis* нинг изониазидга монорезистент мутацияларининг генетик тавсифи 6 302 изолятда ўрганилиб, бунда, 83% (5 244) ҳолатда *katG* генининг устунлиги ва 17% (1 058) ҳолатда *inhA* гени ҳамда изониазид ва этионамид/протионамид препаратига нисбатан резистентликка жавоб берувчи генлар ҳам мавжудлиги кўрсатилган.

4. MDR TB штамmlарининг ривожланишида *InhA* генидаги мутациялар аҳмиятини эътибордан олган ҳолда, бу мутацияни кенгрок ўрганиш бир вақтнинг ўзида *Mycobacterium tuberculosis* нинг 2-қаторга кирувчи протеонамид/этионамид дори воситасига кросс-резистентликни юзага келтириб чиқаришини исботлади. Молекуляр генетик усул орқали аниқланган *InhA* генидаги мутация (17%) фенотипик ДСТ орқали этионамид/протионамидга аниқланган резистентлик кўрсаткичидан (31%) паст бўлса-да, эрта диагностика (2-3 кун давомида) ва беморларга ўз вақтида тўғри даво терапиясини қўллашни қарийб 45 кунгача қисқартириш имконини берди.

Умуман олганда, Хайн (Hain MTBDR plus) молекуляр-генетик тести нафақат 1-қаторга кирувчи изониазид ва рифампицин дори воситасига, балки культурал усулда диагностик ишончлилига паст ҳисобланган 2-қаторга кирувчи этионамид/протионамид препаратига ҳам резистентликни эрта босқичда аниқлаш имконини берди.

5. Биомайрин ва бошқа препаратларга *Mycobacterium tuberculosis* нинг сезувчанлигини ўрганиш бўйича экспериментал *in vitro* тадқиқотларида

*Mycobacterium tuberculosis* ning klinik va референс штаммларига нисбатан Биомайрин дори воситасининг 40,0 мкг концентрацияда ижобий бактериоцид самарадорлиги аниқланган ва мазкур препарат ўз таркибига кирувчи дориларнинг туберкулез кўзгатувчисига ингибирловчи таъсирини кучайтирган. Шунингдек, Биомайрин дори воситасини муайян интервалда (кун оралаб) қўллаш усули беморларга қулайлик яратиб, туберкулезга қарши махсус дори воситаларининг ножўя таъсирлар хавфини камайтирган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ,  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ  
НАУЧНО – ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ  
ЭПИДЕМИОЛОГИИ, МИКРОБИОЛОГИИ, ИНФЕКЦИОННЫХ И  
ПАРАЗИТАРНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ФТИЗИАТРИИ  
И ПУЛЬМОНОЛОГИИ**

**САЙФУТДИНОВ ЗАЙНИДДИН АСАМУТДИНОВИЧ**

**РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ И ХАРАКТЕРИСТИКА ГЕНЕТИЧЕСКИХ  
МУТАЦИЙ MYCOBACTERIUM TUBERCULOSIS С  
МОНОРЕЗИСТЕНТНОСТЬЮ К ИЗОНИАЗИДУ В  
РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН**

**14.00.26 - Фтизиатрия**

**03.00.04 - Микробиология и вирусология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ–2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.DSc/Tib1102.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре фтизиатрии и пульмонологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Парипиева Наргиза Нусратовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Шадманова Наргиза Абитовна**  
доктор медицинских наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Аденов Малик Молдабекович**  
кандидат медицинских наук, доцент

**Нурузова Зухра Абдукадировна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на заседании Разового Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентской медицинской академии, Республиканском специализированном научно - практическом медицинском центре эпидемиологии, микробиологии, инфекционных и паразитарных заболеваний. Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за №\_\_\_). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г.)

**Л.Н. Туйчиев**

Председатель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.У. Таджиева**

Ученый секретарь Разового Научного совета по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук, доцент

**Б.М. Таджиев**

Председатель научного семинара при Разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации кандидата наук (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Туберкулез остаётся глобальным и не имеющим границ инфекционным заболеванием, которое веками представляло серьёзную угрозу человечеству. Согласно последним оценкам Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) «...в 2019 году в мире 10,4 миллионов человек были инфицированы туберкулезом и 1,7 млн. человек умерли от этого заболевания»<sup>1</sup>. Это показывает, что туберкулез остается одной из ведущих причин смерти среди инфекционных заболеваний в мире. Мировое сообщество в лице Организация Объединенных Наций взяла на себя обязательство остановить эпидемию туберкулеза во всем мире к 2030 году. По последним данным ВОЗ, 500 миллионов человек во всем мире инфицированы туберкулезом с множественной лекарственной устойчивостью (МЛУ-ТБ). На ранних стадиях заболевания своевременное выявление лекарственной устойчивости до появления осложнений, применение чувствительных методов, позволяющих определять генетические характеристики возбудителей на равне с функциональными традиционными методами является актуальной задачей фтизиатрической практики.

На мировом уровне проводятся исследования, направленные на оценку клинико-функциональных особенностей заболевания у пациентов с туберкулезом, по совершенствованию его лечения, а также выявление маркеров ранней диагностики заболевания в его различных формах, с особым акцентом на клинико-диагностические основы туберкулеза; ведутся исследовательские работы по оценке раннего выявления и прогноза заболеваний с использованием молекулярно-генетических методов у пациентов. Вдобавок, необходимо усовершенствовать методы оценки лекарственной устойчивости туберкулеза, выявить новые аспекты этиопатогенеза заболевания, прогнозировать развитие и течение заболевания, а также разработать патогенетически ориентированные методы лечения.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, в том числе осуществляются широкомасштабные меры, направленные на снижение осложнений от инфекционных заболеваний путем улучшения ранней их диагностики. В этом направлении по коренному совершенствованию системы здравоохранения поставлены ряд задач «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Fact Sheet - WHO. WHO, Tuberculosis. Global Tuberculosis Report 2019 End TB Strategy. 2020

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № ПФ-5590 « О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан».

